

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОҚУЛОВ САНЖАР БАХРОНКУЛОВИЧ

**АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economic sciences**

Бобоқулов Санжар Бахронкулович

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш
йўллари 3

Бобоқулов Санжар Бахронкулович

Пути повышения эффективности системы коммунального обслуживания
населения..... 25

Bobokulov Sanjar Bakhronkulovich

Ways to increase the efficiency of the system of public services 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.1.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОҚУЛОВ САНЖАР БАХРОНКУЛОВИЧ

**АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt595 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мирзаев Кулмамаат Джанзакович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Уразов Комил Бахромович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Қаххаров Отабек Сиддиқович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.I.18.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 4 XII соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; факс: (998966) 231-12-51; e-mail: sies.info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 39 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 231-07-45. e-mail: sies.info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил 19 XI кун тарқатилди.
(2021 йил «19» XI даги 11 рақамли реестр баённомаси).



М.Э.Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Э.Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

М.М.Муҳаммедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароити ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли турмуш даражасини юксалишининг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. “Бугунги кунда жаҳонда аҳоли сонини тобора ортиб боришига мутаносиб равишда уй-жой фонди кенгайиб бориши, жумладан, уй-жой 2019 йилда ривожланган мамлакатлардан Америка Қўшма Штатларида 138,7 млн., Буюк Британияда 245,3 млн., Германияда 44,1 млн., Францияда 38,8 млн., ва Канадада 136,9 млн. тани ташкил этади”¹. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш ҳолати жамият аъзоларининг энг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондириш асосида уларнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш билан бирга мамлакат иқтисодиётида энергия ресурсларининг сезиларли қисмини истеъмол қилаётганлиги туфайли жамият тараққиётининг бугунги босқичида ушбу соҳани ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон аҳолисининг жадал суръатлар билан ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда уй-жой фондининг кенгайиши, бир томондан, истеъмолчиларнинг коммунал хизматларга бўлган реал эҳтиёжи даражасининг ортишига олиб келса, иккинчи томондан, истеъмол қилинаётган хизматлар сифатига бўлган талаб даражасининг кўтарилишига олиб келмоқда ва шу сабабдан, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан яратилаётган коммунал хизматлар ҳажми ва унинг сифатига ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиши лозимлигини талаб қилади. Бу эса аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш ва рақамлаштириш жараёнларини мавжуд ўзгаришларга мос ҳолда такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларини тубдан ислоҳ қилиш қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислохотлар натижасида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, “...хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”² устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифалардан келиб чиқиб коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш, ходимлар малакасини ошириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида эркин рақобат муҳитини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон, “Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

¹ <https://www.statista.com/statistics/240267/number-of-housing-units>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев тамонидан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». – www.lex.uz

вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон “Уй-жой жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2910-сон “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминотини ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш тўғрисида”ги Қарори 2017 йил 25 апрелдаги ПҚ-2911-сон “2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 7 ноябрдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар³, жумладан: хориж олимларидан С. Пакер, С. Ван Дюк, П.Осборн, С. Дербилар МДҲ олимларидан А.В.Абдуллина С.В.Барулин, Р.И.Орлова, И.А.Рудаков, Т.К.Руткаускас, А.З.Пронин, Л.К.Зайцев, Е.В.Захарова, В.З.Черняклар ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу муаммоларни ўрганишга Ўзбекистонлик олимлардан⁴ Б.А.Абдукаримов, Д.Я.Бутунов, В.У.Ёдгоров, Д.Р.Зайналов,

³ Parker, S. et al. (2015) Metering best practices: a guide to achieving utility resource efficiency. Pacific Northwest National Library Papers. PNNL-23892.; Van Dyck, C. (2011) Smart gas metering on the move in Europe. Metering International Issue. 4/2011.; Osborne, P. (2005), In: Stephen, O.P., Brown, K., editors. Managing Change and Innovation in Public Service Organizations. New York, NY: Madison Ave.; Darby, S. (2006). The effectiveness of feedback on energy consumption.: a review of defra of the literature on metering, billing and direct displays. Environmental Change Institute of University of Oxford Working Papers. 6/2006.; Абдуллина А.Р. Жилищно-коммунальное хозяйство в России / А.Р.Абдуллина, И.А.Владимиров // Челябинск: «Два комсомольца», 2011. – 147 с.; Барулин С.В. Финансы жилищно-коммунального хозяйства. –М.: Ось-89, 2003. –224 с.; Орлова Р.И., Зайцев Л.К., Пронин А.З. Экономика жилищно-коммунального хозяйства - М.: Стройиздат, 1988-270 с.; Захарова Е.В. Жилищно-коммунальные услуги – как общественное благо: особенности реализации в Российской экономике. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2010 г.–с.34.; Рудаков И.А, Автоматизация начисления и учета жилищно-коммунальных платежей. Монография, - М.:«Экон-информ», 2002.-171 с.; Руткаускас Т.К. Формирование и развитие рыночных отношений в жилищно-коммунальном хозяйстве: теория, методология и практика. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. –Екатеринбург: 2006 г. – 35 с.; Черняк В.З. Жилищно-коммунальное хозяйство: развитие, управление, экономика. –М.: КНОРУС, 2007. –183 с.;

⁴ Тухлиев И.С., Пўлатов М.Э. Маркетинг тадқиқотларида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти. “Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари” халқаро илмий-амалий анжуман. 2021 йил. 1-қисм. 7-11 бетлар. Адукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм Т.: «Фан ва технология». 2008.; Ёдгоров В.У, Бутунов Д.Я. Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. “Ношир” нашриёти, 2012 й. 147- б.т.; Мухаммедов М.М. ва бошқ. Минтақа иқтисодиётининг замонавий муаммолари. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2020.; Пардаев М.К.,

М.М.Мухаммедов, К.Ж.Мирзаев, Р.И.Нуримбетов, М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаев, М.Э.Пўлатов, И.С.Тухлиев, Н.Тухлиев, С.Н.Тошназаров, А.С.Султанов, К.Б.Уразов, Т.А.Ҳасанов ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Ўзбекистонда бу соҳада бошқа иқтисодчи олимлар ҳам самарали илмий тадқиқотлар олиб боришган ва олиб боришмоқдалар. Бироқ, Республикада юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий жиҳатлари кенг ёритиб берилган. Аммо коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таҳлилий ҳамда монографик планда ўрганилмаган. Шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишларнинг жуда камлиги ва етарлича ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот ишини долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг “Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимни самарали ривожлантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими, самарадорлигига оид тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини асослаб бериш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш тизимини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

коммунал хизматларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш ва сотиш учун тўловларни рақамлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотларнинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Тошкент. “Иқтисодиёт ва молия”, 2014. - 181 б.т.; Нуримбетов Р.И., Султанов А.С. Уй-жой фондини бошқаришнинг хорижий тажрибаларидан республикамизда фойдаланиш истиқболлари // Хоразм Ма’мул академияси ахборотномаси. – 2019. Урганч: №3. -15-23 б.; Уразов К.Б. Рақамли иқтисодиёти шароитида хизмат кўрсатиш субъектларида бухгалтерия ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш заруратлари ва йўналишлари. “Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёти шароитида ривожлантириш муаммолари” халқаро илмий-амалий анжуман. 2021 йил 19-20 феврал. 1-сон. 246-б.; Тошназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати т.: 2019 й. -74 б.; Ҳасанов Т.А. Ўзбекистонда хусусий уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019 й. -56 б.

аҳолига коммунал хизмат кўрсатишда Самарқанд ҳудудий кластерли тизимини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш;

коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга имкон берувчи илмий асосланган башорат кўрсаткичлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими корхоналари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида Самарқанд вилоятида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини самарали ривожлантириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, социологик сўровларни ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT-таҳлили, статистик, истиқболли башоратлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

аҳоли жон бошига тўғри келадиган коммунал бирликлар, коммунал хизмат бирлигига яратилган қўшимча қиймат, коммунал хизмат кўрсатиш жараёнининг технологик даражаси ҳамда тармоқ рентабеллиги кўрсаткичлари асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи ишлаб чиқилган;

коммунал хизмат кўрсатиш тизими «Бенукс» – рақамлаштирилган бошқарув назоратини ўрнатиш, «ақлли уй», «хавфсиз шаҳар», «ақлли ширкат» ва «универсал уй-жой коммунал хизмати»ни ташкил этишнинг инновацион шакллари жорий этиш асосида такомиллаштирилган;

коммунал хизмат тизимида истиқболли кластер гуруҳини танлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кузатув кенгашини ташкил этиш асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш кластерини шакллантириш таклифи асосланган;

рақамли иқтисодиёти шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини оширишга имкон берувчи 2021-2026 йилларга мўлжалланган башорат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларга таъсир этувчи омиллар шунингдек, тизим субъектлари ўртасидаги муносабатлар уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича такомиллаштирилган таснифи ишлаб чиқилган;

Республика коммунал хизмат кўрсатиш тизими субъектлари ўртасида коммунал хизматларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш ва сотиш учун тўловларни рақамлаштириш асосида ҳамда тўловларнинг тўлиқлигини таъминлайдиган бошқарув назорати илмий асосланган;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини инновацион шакллари “универсал уй-жой коммунал хизмати”, “ақлли уй”ларни рақамлаштиришнинг илмий-услубий жиҳатлари асосланган;

Республика аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш имкониятини яратувчи ҳамда хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи минтақавий коммунал хизмат кўрсатиш кластер механизми ишлаб чиқилган, механизмнинг самарадорлиги асосланган ҳамда ушбу механизмдан фойдаланишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар берилган;

Республикамиз аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг 2021-2026 йиллар давомидаги ўзгариш қонуниятлари аниқланган ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида соҳанинг яқин келажакдаги ўзгаришлар йўналишлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, статистик маълумотлар расмий манбаалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтказилганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, амалиётга жорий этилганлиги ва уларнинг натижаларини ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланиш мумкинлиги, коммунал хизмат кўрсатиш тизимини тез суръатлар билан ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш асосида аҳолига кластерли ва сифатли коммунал хизмат кўрсатишни таъминлаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосалари ва услубий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг таркибидаги ҳудудий идоралар, бўлинмалар, соҳа корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги фаолиятида ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурлари мақсадли кўрсаткичлари, чора-тадбирлари ҳамда йўл хариталарини шакллантириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳоли жон бошига тўғри келадиган коммунал бирликлар, коммунал хизмат бирлигига яратилган қўшимча қиймат, коммунал хизмат кўрсатиш жараёнининг технологик даражаси ҳамда тармоқ рентабеллиги кўрсаткичлари асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган тадбирларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 01/05-802-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш кўп хонадонли уйларнинг техник ҳолатини мониторинг қилиш, коммунал хизмат кўрсатиш тизимида меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларини кенгайтирган;

коммунал хизмат кўрсатиш тизими «Бенукс» – рақамлаштирилган бошқарув назоратини ўрнатиш, «ақли уй», «хавфсиз шаҳар», «ақли ширкат» ва «универсал уй-жой коммунал хизмати»ни ташкил этишнинг инновацион шакллари жорий этиш асосида такомиллаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган асосий вазифаларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 01/05-802-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан фойдаланиш коммунал хизматларнинг сифатини ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалиши, хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек, назорат қилишга хизмат қилган;

коммунал хизмат тизимида истиқболли кластер гуруҳини танлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича кузатув кенгашини ташкил этиш асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш кластерини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги ПК-3980-сон “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг “Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш” йўналишидаги вазифаларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 01/05-802-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг жорий ва стратегик мақсадларига эришиш имкониятларини берган;

рақамли иқтисодиёти шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини оширишга имкон берувчи 2021-2026 йилларга мўлжалланган башорат кўрсаткичлари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини келгуси даврдаги дастурларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 01/05-802-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши 2021-2026 йилларда коммунал хизмат кўрсатиш тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда коммунал хизмат кўрсатиш субъектлари сони 40,0%га, асосий капиталга киритилган инвестицияларда коммунал хизмат кўрсатишнинг улушини 70,0% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий атестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва иккитаси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, илова, 18 та жадвал, 14 та расм, 2 та диаграмма, 3 та формула ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, эришилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашрлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими ривожланишининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг назарий асослари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш тизими инфратузулмасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва услубий асослари ёритилган ва ишлаб чиқилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда коммунал хизмат кўрсатиш инфратузулмаси тажрибалари ўрганилиб, улардан фойдаланиш имкониятлари назарий жиҳатдан ёритилиб, коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича устувор йўналишлари аниқланган ва илмий асосланган.

Коммунал хизмат – бу жамият аъзоларининг турмуш кечириши учун зарур моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириши ҳамда улар фаровонлигини ошириш имкониятини яратувчи хизмат кўрсатиш фаолиятидир.

Коммунал хизмат кўрсатиш самарадорлиги – бу жамият манфаатлари учун ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнатнинг минимал ҳажми билан максимал натижаларга эришишдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда амалда бўлган МСТ 2015 класификатори бўйича аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш хизматлари алоҳида ажратиб кўрсатилмаган. МСТ 2015 класификаторини ўрганиб чиқганимизда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш хизматлари бошқа хизматлар ҳамда ишлаб чиқариш йўналишлари таркибидалигини кўришимиз мумкин. Фикримизча, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш хизматларини класификаторда алоҳида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Аҳолига кўрсатиладиган асосий коммунал хизматлар турлари⁵

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида коммунал хизмат кўрсатишнинг самарали амал қилиши бир қатор омилларга боғлиқ жараён ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, коммунал хизматлар соҳаларида хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларига нисбатан паст даражада ривожланишига субъектив ва объектив сабаблар таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, тизим субъектлари ўртасидаги муносабатлар уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар киради. Таҳлиллар натижасида минтақанинг коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ўрганишнинг муҳим методологик хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Коммунал хизмат кўрсатиш инфратузилмасини бошқариш, коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида бошқа хизматларнинг ажралмаслиги, ижтимоий аҳамияти ва рақобатнинг ривожланиш даражаси каби объектив омиллар шулар жумласидандир. Шунингдек, тизимда фаолият юритувчи субъектларнинг таснифи мукамал шакллантирилмаган. Шу мақсадда, коммунал хизмат кўрсатиш тизими таснифи қуйидагича такомиллаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими таснифланиши⁶

№	Таснифий белгилари	Таснифланиши
1	Фаолият турига кўра	- ишлаб чиқариш - хизмат кўрсатиш
2	Мулк шаклига кўра	- давлат мулкига асосланган - жамоа мулкига асосланган - хусусий мулкка асосланган - аралаш мулкка асосланган
3	Жойлашувига кўра	- шаҳарларда - қишлоқларда
4	Ташкилий тузилишига кўра	- тизимли - мустақил
5	Фаолият муддатига кўра	- доимий - мавсумий

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган иқтисодиётнинг асосий соҳаларидан биридир. Коммунал хизматларининг нархи, хилма-хиллиги, мавжудлиги ва сифати фуқароларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим хусусиятларидир.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқлаш мумкин:

коммунал хизмат кўрсатиш объектларининг техник ҳолати даражаси;
 аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг узлуксиз ишлаш хусусиятлари;
 коммунал хизматларнинг такрор ишлаб чиқариш даражаси;
 коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилма лойиҳалари инновацияларига сарфланадиган харажатлар улуши.

Коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигининг ажралмас кўрсаткичлари корреляцион таъсири қуйидаги бирлаштирилган элементлар билан тавсифланади (2-жадвал).

2-жадвал

Коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлиги кўрсаткичлари⁷

Шакли	Мазмуни	Ўлчов бирлиги
Нагунал	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган электр-энергия	кВт/соат
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган газ таъминоти	м/куб
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган совуқ сув	м/куб
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган иссиқ сув	м/куб
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший чиқинди	киши боши бўйича
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой фонди	кв/м
Қиймат	Коммунал хизмат кўрсатиш тизими ҳисобига олинган ялпи даромад	сўм
	Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига олинган соф фойда	сўм
	Коммунал хизмат кўрсатиш тизимига жалб қилинган инвестициялар қиймати	сўм
	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган коммунал хизмат кўрсатиш қиймати	сўм
	Коммунал хизмат кўрсатиш хизмат бирлиги ҳисобига яратилган қўшилган қиймат	сўм
Нисбий	Коммунал хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси	%
	Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси	%
	Коммунал хизмат кўрсатиш рентабиллигини берадиган (самарадорлик, фойдалилик) даромадли коммунал хизматлар	%
	Коммунал тизимда коммунал хизмат турлари харажатлари улуши	%

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида, коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш ҳолати ва институционал хусусиятлари таҳлили келтирилган. Республика ва Самарқанд вилоятида соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таъминлашга таъсир кўрсатувчи омиллар, уларнинг ҳолати ва тенденциялари мувофиқ параметрлар билан қиёсий таҳлил қилиш асосида тадқиқ этилган. Коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ресурслардан самарали фойдаланишнинг омилли таҳлили, уларнинг ташкил топиш манбалари, муаллиф томонидан таҳлил қилинган ва тизим самарадорлигини оширишда соҳа инфратузулмасини модернизациялаш усуллари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими субъектлари ўртасида коммунал хизматларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш, сотиш, улар учун тўловларни рақамлаштириш асосида ҳамда тўловларнинг тўлиқлигини таъминлайдиган бошқарув назорати бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини рақамлаштиришда давлатнинг ролини кучайтириш ва ошириш;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув ташкилотлари ва коммунал хизмат ресурсларни етказиб берувчи корхоналарнинг рақамли кўринишга ўтиш жараёнига тайёрлаш;

коммунал хизмат кўрсатиш бозорини баҳолаш учун инновацион технологияларни қўллаш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимида “Ақлли шаҳар”, “Хавфсиз шаҳар” миллий лойиҳасини амалга ошириш;

аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида назорат ахборот муҳитини шакллантириш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимида блокчейн технологиялари ва ақлли робот тизимларини жорий этиш;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилиш;

коммунал хизмат кўрсатиш тизимини иссиқлик билан таъминлаш, фавқулодда вазиятларда қарорларни қўллаб-қувватлашнинг ақлли тизимларини ривожлантириш;

шаҳар коммунал хизматларининг мониторинг ва назорат қилишнинг ягона ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш вазифаларини ишлаб чиқиш.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолияти самарадорлигини ошириш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қатор давлат дастурлари, қарорлар ва фармонлар ишлаб чиқилди. Ҳамда ижтимоий фаолият учун тақдим этилди. Хусусан, “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация

қилиш дастури тўғрисида”⁸ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ижросини таминлаш мақсадида 36 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, уни амалга ошириш мақсадида жами 4,8 триллон сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар коммунал хизмат кўрсатиш тизимини модернизация қилиш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва сонини оширишга шунингдек, мамлакатимиз аҳолисини коммунал хизматлар билан таъминланганлик кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади. Хусусан, 2012-2020 йиллар давомида республика миқёсида коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражасида ўсиш кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

Республика аҳолисини коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси⁹

Худудлар номи	Аҳолининг коммунал хизмат турлари билан таъминланиш даражаси								
	Уй-жой, кв.м./киши			Табийий газ таъминоти (%)			Сув таъминоти (%)		
	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)
Қорақалпоғистон Республикаси	13,2	15,2	+2,0	87,3	91,1	+3,8	65,3	72,7	+7,2
Андижон	12,3	13,5	+1,2	72,1	78,3	+5,2	87,7	91,1	+3,4
Бухоро	14,3	16,2	+2,1	82,3	89,4	+7,1	90,2	93,5	+2,1
Жиззах	13,2	14,6	+1,4	71,4	70,9	-0,5	80,6	81,6	+1
Қашқадарё	12,6	12,8	+0,2	65,9	72,7	+7,2	82,3	86,4	+4,1
Навоий	21,5	24,6	+3,1	78,2	81,3	+2,9	73,6	78,2	+4,4
Наманган	13,8	14,8	+1,0	73,2	88,1	+14,9	85,1	87,1	+2,0
Самарқанд	14,6	15,2	+0,6	87,1	87,3	+0,2	81,4	83,7	+2,3
Сурхондарё	12,6	12,4	-0,2	60,1	63,4	+3,1	79,7	80,5	+0,5
Сирдарё	14,5	15,4	+0,9	88,4	90,6	+2,2	94,4	95,3	+0,9
Тошкент	15,7	16,0	+0,3	89,6	92,1	+2,5	99,2	99,6	+0,4
Фарғона	14,1	14,7	+0,6	76,4	75,7	-0,7	89,4	88,0	-1,4
Хоразм	18,7	20,1	+1,4	91,4	89,9	-1,5	64,1	63,8	-0,3
Тошкент шаҳри	17,5	17,7	+0,2	97,2	97,6	+0,2	99,2	99,6	+0,4
Республика бўйича	14,9	15,9	+1,0	80,0	83,4	+3,4	83,7	85,7	+2,0

⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури” тўғрисида. Қарори my.gov.uz

⁹ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Республика миқёсида кишиларнинг уй-жой билан таъминлаш динамикаси 2012 йилда 14,9 кв.м.ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 15,9 кв.м.ни ташкил этди. Йиллар давомидаги ўсиш динамикаси 1 кв.м.ни ташкил қилмоқда. Табиий газ коммунал хизмати билан таъминланиш даражаси 2012 йилда 80,0 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 83,4 % ни ташкил этди. Ўтган даврга мос равишда ўсиш динамикаси 3,4 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Аҳолини марказлашган сув таъминоти коммунал хизмати билан таъминлаш кўрсаткичлари 2012 йилда 83,7 % ни, 2020 йилда 85,7 % ни ташкил этди. Ўтган даврга нисбатан ўсиш динамикаси 2,0 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Аҳолини коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси Самарқанд вилояти ҳудудлари кесимида ўрганиб таҳлил қилинганда 2012-2020 йиллар давомида вилоят миқёсида коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси қуйидагича бўлган (4-жадвал).

4-жадвал


Самарқанд вилоятида коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражаси¹⁰

Ҳудудлар номи	Аҳолининг коммунал хизмат турлари билан таъминланиш даражаси								
	Уй-жой, кв.м./киши			Табиий газ таъминоти (%)			Сув таъминоти (%)		
	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)	2012 йил	2020 йил	Фарқ (+,-)
Самарқанд ш.	11,1	11,8	+0,7	88,3	92,5	+4,2	92,9	94,6	+1,7
Каттакўрғон ш.	12,5	12,2	-0,3	93,8	94,3	+0,5	77,3	89,3	+12,0
Оқдарё т.	15,5	17,6	+2,1	89,8	90,4	+0,6	89,3	90,3	+1,0
Булунғур т.	12,9	17,5	+4,4	78,1	79,2	+1,1	83,6	82,6	-1,0
Жомбой т.	14,1	15,4	+1,3	88,9	90,7	+1,8	83,1	83,7	+0,6
Иштихон т.	12,8	16,6	+3,8	85,2	83,3	+1,9	58,2	52,7	-5,5
Каттакўрғон т.	13,7	14,2	+0,5	86,2	83,1	-3,1	64,2	69,3	+5,1
Кўшрабат т.	11,4	13,8	+2,4	78,1	76,8	-1,3	60,8	63,4	+2,6
Нарпай т.	14,9	16,0	+4,1	91,1	92,3	+1,2	86,0	89,1	+3,1
Пайариқ т.	14,1	14,7	+0,6	86,4	85,2	-1,2	68,2	70,3	+2,1
Пастдарғом т.	12,6	13,0	+0,4	89,9	87,5	-2,4	86,0	91,1	+5,1
Пахтачи т.	16,7	18,5	+1,8	92,4	94,6	+2,2	95,2	96,4	+1,2
Самарқанд т.	24,2	24,6	+0,4	96,4	92,9	-3,5	79,3	85,7	+6,4
Нуробод т.	17,8	19,8	+2,0	75,2	77,3	+2,1	95,0	96,3	+1,3
Ургут т.	10,9	10,5	+0,4	86,8	85,1	-1,0	90,5	90,8	+0,3
Тойлоқ т.	18,6	18,8	+0,2	90,6	91,8	+1,2	93,2	94,6	+1,4
Самарқанд в.	14,6	15,2	+0,6	87,1	87,3	+0,2	81,4	83,7	+2,3

¹⁰ Самарқанд вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Вилоят миқёсида кишиларнинг уй-жой билан таъминлаш динамикаси 2012 йилда 14,6 кв.м.ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 15,2 кв.м.ни ташкил этди. Йиллар давомидаги ўсиш динамикаси 0,6 кв.м.ни ташкил этган. Табиий газ коммунал хизмати билан таъминланиш даражаси 2012 йилда 87,1 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 87,3 % ни ташкил этган. Ўтган даврга мос равишда ўсиш динамикаси 0,2 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Аҳолини марказлашган сув таъминоти коммунал хизмати билан таъминлаш кўрсаткичлари 2012 йилда 81,4 % ни, 2020 йилда 83,7 % ни ташкил этган. Ўтган даврга нисбатан ўсиш динамикаси 2,3 % га ўсганлигини кўришимиз мумкин. Вилоят миқёсида юқоридаги кўрсаткич маълумотлари қаноатли бўлсада лекин, айрим туманларда бу соҳада ислохотлар ўтказишни талаб қилмоқда. Соҳа самарадорлигини ошириш, тизимни модернизация қилиш, зарур меъёрий-ҳуқуқий қонунларни қабул қилиш орқали аҳолини коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражасини ошириш ҳамда аҳоли турмуш-фаровонлигини юксалишига ҳар тамонлама мос ҳолда эришилади.

Фикримиз тасдиқи сифатида Самарқанд вилояти Қорасув масканида жойлашган кўп қаватли уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатувчи “Бошқарув Сервис” компанияси фаолиятини ўрганганимизда аҳолини коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражасини юксалишига хизмат қилаётганини кўришимиз мумкин (2 - расм).



2-расм. Самарқанд вилоят Қорасув масканидаги Бошқарув Сервис компаниясининг 2020 йилдаги харажатлари миқдори, (млн.сўмда)¹¹

“Бошқарув Сервис” компанияси Қора сув масканида жойлашган 5235 та кўп квартирали хонадонларга самарали коммунал хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ҳолат аҳолини коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади. Компания фаолиятини таҳлил қилганимизда бир ойда кўрсатилган коммунал хизматлар учун тушум миқдори 216,8 млн.сўмни, қилинган харажатлар миқдори 120,0 млн.сўмни ташкил этган бўлса, қилинган фойда миқдори 96,8 млн.сўмни ташкил қилади. 2020 йилда коммунал хизматлар учун тушум миқдори 2601,6 млн.сўмни ташкил этган бўлса, харажатлар миқдори учун сарф-харажатлар 1440 млн.сўмни ташкил

¹¹ Самарқанд вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

этади. Шунингдек, 2020 йил учун қилинган фойда 1161,6 млн.сўмни ташкил қилган.

Фикримизча, аҳолини коммунал хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш имконияти мавжуд. Бунинг учун соҳада тўлов жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, коммунал хизматлар турларига “ақлли ҳисоблагич”ларни ўрнатиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чекланган ресурсларни тежаш ва ортиқча сарф-харажатларни олдини олиш лозим.

Диссертациянинг **“Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этишда харажатларни оптималлаштириш йўллари, Самарқанд вилоятида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг кластерли тизимини ташкил этиш ҳамда унинг замонавий-инновацион шакллари самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Коммунал хизмат кўрсатиш тизимини инновацион шакллари “универсал уй-жой коммунал хизмати”, “ақлли уй” лар коммунал ҳисоб-китобини рақамлаштириш тизимининг ривожланишига ва самарадорлигини юксалишига олиб келади. Бунинг учун коммунал хизмат кўрсатиш тизимида аҳоли турар-жой бинолари автоматлаштириш, яъни “Ақлли уй” лар бунёд этиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда “Ақлли уй” тизимини яратишда ҳаво ҳарорати, намлик даражаси, атмосфера босими ва ёритилганлик даражаси, уй хавфсизлигини таъминлаш даражаси каби кўрсаткичларни назорат қилишни рақамлаштиришдан кенг фойдаланиб келинади.

“Универсал уй-жой коммунал хизмати”ни амалга ошириш учун инновацион коммунал хизмат кўрсатиш (“ақлли ҳисоблагичлар”, “ақлли уй”, “хавфсиз уй”, “ақлли ширкат”) турларидаги маълумот берувчи қурилмалардан фойдаланиш талаб этилади. Ўз навбатида, мазкур қурилмаларни биргаликда ишлаш жараёнини ташкил этиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, қурилмаларни ишлаш жараёнини назорат қилиш учун махсус билим ва кўникмаларга эга ходимлар жамоаси талаб этилади. Ишчи-ходимнинг ишини назорат қилиш жараёни бошқарув субъектлари учун қўшимча масъулият юклайди. Бу эса табиийки, қўшимча моддий, молиявий ва инсон ресурсларини талаб этади.


